

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒИ ҚАНДАЙ САРФЛАНМОҚДА?

Парламент қўйи палатасининг навбатдаги мажлисида мамлакатимиз давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2023 йилдаги ҳамда жорий йил биринчи чорагидаги ижроси қўриб чиқилди.



Давоми → 2-бетда

Обзор

МЕЖДУНАРОДНЫЙ РЫНОК ХЛОПКА

Продолжение → 10 стр.

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ГАЗЕТА / IQTISODIY GAZETA

#45 (3136) 06.06.2024

# BIZNES DAILY

# BIRJA

GAZETA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGI KO'MAGI BILAN CHOP ETILADI

WWW.BUSINESSDAILY.UZ

## TURIZM INFRATUZILMASINI YAXSHILASH BO'YICHA VAZIFALAR BELGILANDI



Prezident Shavkat Mirziyoyev raisligida 3-iyun kuni hududlarda turizm infratuzilmasini yaxshilash va xorijiy turistlar oqimini ko'paytirish chora-tadbirlari muhokamasi bo'yicha videoselektor yig'ilishi o'tkazildi.

Dunyoda iqtisodiy vaziyat qiyinlashgan hozirgi sharoitda ko'proq ish o'rni yaratadigan, investitsiya va eksportni ko'paytiradigan sohalarini qo'llab-quvvatlash zarur. Turizm bunday salohiyat katta. Bu sohaga yo'naltiriladigan har bir dollar kelgusida 3-4 barobar daromad keltiradi. Har bir yangi ish o'rni boshqa tarmoqlarda yana 2 ta ish joyi hosil qiladi.

Mamlakatimizda tarixiy, madaniy va xushmanzara go'shalar ko'p. Ularning negizida turizm maskanlari, mehmonxonalar barpo etildi. Tartib-taomillar soddalashtirilib, sayyohlik biznesiga qulaylik yaratildi. Sayyohlar xavfsizligini ta'minlash maqsadida turizm politsiyasi tashkil etildi.

O'tgan yil oktyabrda Samarqandda bo'lgan Butunjahon turizm tashkiloti forumi doirasida 2 milliard 300 million dollarlik investitsiyaviy kelishuvlarga erishilgan edi. Ular orasida turizm infratuzilmasini rivojlantirish, yangi maskanlar barpo etishga qaratilgan loyihalar ko'p.

Jumladan, xorijiy investorlar tomonidan Shahrisabz tumani G'elon va Sarchashma qishloqlari orasida 3 ming gektarli tog'chang'i majmuasi tashkil qilish boshlandi.

Birinchi galda Shahrisabz shahri va Shahrisabz tumanida turizm klasteri tashkil qilindi. 33 kilometrli Hisorak - G'elon va Hisorak - Sarchashma yo'li kengaytirib, ta'mirlanadi. "Chiroqchi-Sho'rquduq" avtomobil yo'li yaxshilani, Samarqanddan Shahrisabzga qatnov vaqti qisqaradi.

G'elondan o'tuvchi Oqsu daryosida quvvati 24 megavattli 3 ta gidro elektr stansiya ishga tushiriladi. Natijada turizm klasterida elektrdan muammo bo'lmaydi. Shahrisabz turizm texnikumida Shveysariya dasturi asosida yiliga 100 nafar mutaxassis tayyorlanadi.

Bunday ishlarni Ohangaron, Urgut, Nurota, Yangiqo'rg'on, Pop, Chortoq, Boysun, Sariosiyo, Baxmal, Farg'ona kabi turizm salohiyati yuqori 20 ta tumanda ham qilish mumkinligi ta'kidlandi. Mutasaddilarga xorijiy konsultantlarni jalb qilgan holda bu borada master reja ishlab chiqish topshirildi.



Miraki qishlog'i bo'yicha ham master reja ishlab chiqilmoqda.

Bu tumanning tarixi ham, tabiati ham diqqatga sazovor. Qolaversa, Shahrisabz shahri Iqtisodiy hamkorlik tashkilotining "2024 yildagi turizm poytaxti", deb e'lon qilingan.

Shu bois u yerda turizmni rivojlantirish bo'yicha qator chora-tadbirlar belgilandi.



Ma'lumki, yaqinda "Boysun bahori" xalqaro etno-festivali bo'lib o'tdi. Bibishirin mahallasida 6 million dollarlik 4 yulduzli mehmonxona, amfiteatr va o'tovlar qurildi. Ko'ngilochar shoular o'tkazildi. Natijada Surxondaryoga sayyohlar kelishi 4 karra ko'paydi.

Umuman, yoshlarning ekstremal turizmga qiziqishi yildan-yilga oshayapti. Bu yo'nalishni rivojlantirish bo'yicha dastur qabul qilish vazifasi qo'yildi.

Yoz kunlarida akvapark va basseynlarga talab oshishi tabiiy. Sohaga ajratilgan mablag'lar doirasida mehmonxonalarda basseymlar qurilmoqda. Lekin hududlarda turistlarni o'ziga tortadigan zamonaviy akvaparklar yo'q.

Tabiiy ko'llar atrofidagi turizm imkoniyatlari ham ishga solinmayapti. Masalan, Mirishkor tumanidagi Sechanko'l va Achinko'l bo'yida birorta dam olish maskani yo'q. Aydar-Arnasoy ko'llar tizimi ovchilik va ekoturizm uchun juda qulay.

Shulardan kelib chiqib, akvaparklar qurish hamda ko'llar bo'yida loyihalar qilish uchun yerlar auksionga chiqarilishi belgilandi.

Pandemiyadan keyin tibbiyot va sog'lomlashtirish turizmiga talab kuchaygan. Yurtimizdagi sanatoriy va tibbiy muassasalarda o'tgan yili 60 mingdan ziyod xorijiy turist davolangan. Oxirgi besh yilda xususiy klinikalar ko'paygani bilan atigi ikkitasi xalqaro akkreditatsiyaga ega. Albatta, bular juda kam.

Chunki bizda tibbiyot va sog'lomlashtirish turizmini uyg'unlikda rivojlantirish bo'yicha yaxlit yondashuv yo'q. Aslida, tibbiy turizmning o'zidan yiliga 300 million dollar eksport qilish mumkin.

Shu bois Janubiy Koreya, Turkiya va Hindiston tajribasi asosida "Tibbiy xizmatlar mehmondo'stligi" dasturi boshlanishi e'lon qilindi.

Endi xususiy klinikalarning xalqaro akkreditatsiyadan o'tish, xorijiy ko'rgazmada qatnashish xarajati budjetdan qoplanadi. Klinikalarga kelgan chet elliklar uchun qo'shilgan qiymat solig'i qaytarib beriladi. Xorijga borib, targ'ibot-diagnostika xizmatini ko'rsatgan shifokorlarning transport va yashash xarajatlari to'lab beriladi.

Davomi → 2-бетда

В погоне за первенством



10 стр.

Совершенствование процессов управления водными ресурсами



11 стр.

ОТДЕЛ РЕКЛАМЫ

РЕКЛАМА ВА E'LONLAR BO'LIMI

+998 (99) 353-55-54



telegram BIZNES DAILY BIRJA



Boshlanishi → 1-betda

## TURIZM INFRATUZILMASINI YAXSHILASH BO'YICHA VAZIFALAR BELGILANDI

Shu maqsadda shifoxona va sanatoriylarni xalqaro sertifikatlash, malakali menejerlarni jalb etish bo'yicha ko'rsatmalar berildi.

An'anaviy festivallarning doimiy aniq sanalarini belgilash, chegaradan o'tishni yanada soddalashtirish muhimligi qayd etildi.

Turizm rivojiga xalal berayotgan yana bir muammo transport bilan bog'liq. Chet ellarda turoperatorlar chiptalarni kamida olti oy oldin sotib oladi, shuning uchun "sayohat to'plami" arzon. Bizda esa samolyot va poyezdga chipta olish qiyin, bir-ikki oy qolgan-da topilmaydi ham.

Shu bois Transport vazirligiga xalqaro reysslarni ko'paytirish, barcha qatnovlar haqida ma'lumot va chipta olish imkonini beradigan yagona onlayn platformani ishga tushirish vazifasi qo'yildi.

Prezident mamlakatimiz turizm salohiyatini to'liq ko'rsatuvchi global targ'ibot kampaniyasini yo'lga qo'yish zarurligini ta'kidlab, qator tashabbuslarni bayon qildi.

"Milliy turizm brendi"ga kontent yaratish uchun tanlov o'tkaziladi. Bu yil Toshkentda, kelgusi yilda Xivada xalqaro gastronomik festivallar tashkil etilib, 300 dan ziyod milliy taomlarimiz targ'ib qilinadi. "Elektron-viza" tizimi yanada takomillashtirilib, mobil ilovasi ham ishga tushiriladi.

Targ'ibotda televideniye bilan birga, ijtimoiy tarmoqlardan ham keng foydalaniladi. Auditoriyasi katta chet ellik blogerlar uchun info-turlar tashkil qilinadi.

Yig'ilishda davlatimiz rahbari sohadagi tadbirkorlar bilan ochiq muloqot qildi. Ularning muammolari va takliflaridan kelib chiqib, turizm xizmatlarini eksportoldi moliyalashtirishni yo'lga qo'yish, turoperatorlarga qo'shilgan qiymat solig'ini subsidiya sifatida qaytarish muddatini uzaytirish, turizm geografiyasini kengaytirish, milliy mehmonxona brendlarini yaratish, o'rta bo'g'in mutaxassislarini tayyorlash va xorijda malakasini oshirish kabi ko'plab takliflar bo'yicha tegishli ko'rsatmalar berildi.



Prezidentimiz turizmni rivojlantirish bo'yicha jamoatchilik kengashi tuzishni taklif qildi. Soha vakillari va tadbirkorlar buni mamnuniyat bilan qo'llab-quvvatladi.

Mutasaddilar bu yil 11 million xorijiy sayyohni jalb etish hamda turizm eksportini 2,5 milliard dollarga yetkazish imkonini borligini aytib, rejalarini yuzasidan axborot berdi.

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒИ ҚАНДАЙ САРФЛАНМОҚДА?

Парламент қуйи палатасининг навбатдаги мажлисида мамлакатимиз давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2023 йилдаги ҳамда жорий йил биринчи чорагидаги ижроси кўриб чиқилди.

Бу ҳақдаги батафсил ҳисоботни Бош вазир ўринбосари — Иқтисодиёт ва молия вазири Жамшид Қўчқоров тақдим этди. Маърузачи жумладан, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг жорий йил дастлабки чораги ижросининг асосий йўналишларига тўхталиб ўтди. Қайд қилинганидек, амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида ўтган уч ой давомида ЯИМ ҳажми қарийб 243 триллион сўмни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 6,2 фоизга ўсган. Бунда иқтисодиётнинг юқори ўсиши тармоқлар кесимида бозор хизматларининг 14,2 фоизга, sanoatning 6,5 фоизга, қурилиш соҳасининг 6,8 фоизга ва қишлоқ хўжалигининг 3,6 фоизга ўсиши ҳисобига таъминланган. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар 107 трлн сўмни ташкил этиб, 74,5 фоизга ўсган, экспорт ҳажми 10 фоизга ошиб, 6,4 миллиард долларга етган. Ташқи савдо айланмаси 15,8 млрд долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,2 фоизга ортган. Давлат бюджети даромадлари қарийб 52,6 триллион сўмни ташкил қилган ёки 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 11,3 фоизга кўп бўлган. Даромадларнинг 78,5 фоизи ёки 41,3 триллион сўми солиқ қўмитаси, 26,7 фоизи ёки 14 триллион сўми божхона қўмитаси томонидан шакллантирилган. Солиқ тўловчиларга 5 триллион сўм миқдоридида қўшилган қиймат солиғи ва кэш-бек суммалари қайтариб берилган. Ҳисобот даврида бевосита солиқлардан 18,8 триллион сўм, билвосита солиқлардан 18,2 триллион сўм, ресурс тўловлари ва мулк солиғидан 8,3 триллион сўм, бошқа даромадлардан 7,3 триллион сўм шаклланди. Давлат бюджети даромадлари таркибидаги асосий солиқ турлари бўлган қўшилган қиймат солиғидан 12,3 триллион сўм (жами даромадлардаги салмоғи 23,3 фоиз), фойда солиғидан 10,4 триллион сўм (19,8 фоиз) келиб тушган. Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 17 фоизга ошиб, 7,7 триллион сўмни ташкил этди (салмоғи 14,7 фоиз). Чакана савдо товар айланмасининг 9,3 фоизга ортиши натижасида айланмадан олинган солиқ бўйича тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 37,9 млрд сўмга (6,8 фоиз) кўпайган ва 594,3 млрд сўмни ташкил этган. Тадбиркорлик субъектларида бюджетдан 7 триллион сўм қўшилган қиймат солиғи қайтариб берилган. Акциз солиғи бўйича тушумлар 3,7 триллион сўмни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 244 миллиард сўмга (7 фоиз), мол-мулк ва ер солиғи бўйича тушумлар 3,5 триллион сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 830 миллиард сўмга (30 фоизга) ўсган.

Жорий йилнинг биринчи чорагида белгиланган устувор йўналишлар доирасида давлат бюджетининг ха-



ражатлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 11 триллион сўмга ошган ҳолда, 70,3 триллион сўмга етган. Дастлабки уч ой ичида ижтимоий харажатлар учун давлат бюджетидан 33,3 триллион сўм маблағ ажратилган. Иқтисодиётга қилинган харажатлар 13,5 триллион сўмни ташкил этиб, давлат бюджети жами харажатларининг 19,2 фоизидан иборат бўлган. Жумладан, сув хўжалиги эксплуатацияси харажатларига 1,7 триллион сўм, республиканинг шаҳар ва туманларини ободонлаштириш тадбирларига 1,2 триллион сўм маблағ йўналтирилган. Иссиқлик таъминоти корхоналарига аҳолига иссиқлик таъминоти хизматлари тарифларини паст қўллаш ҳисобига қўрилган зарарларини қоплаш учун 1 триллион сўм миқдоридида субсидиялар ажратилган. Марказлашган инвестиция лойиҳалари ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантиришга 3,4 триллион сўм маблағ сарфланган. Йўл хўжалигидаги объектларда қурилиш ишларини бажариш, ўлчов тарозиларини ўрнатиш, техника, машина-механизмлар харид қилиш учун 440 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилган.

Ҳисобот даврида маҳаллий бюджетларнинг даромадлари 12,8 триллион сўмни ва харажатлари 18,4 триллион сўмни ташкил этди. Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга 3 триллион сўм трансфертлар ўтказиб берилган. Давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари 12,9 триллион сўмни, харажатлари 18,9 триллион сўмни ташкил этиб, жамғармаларга давлат бюджетидан 6,8 триллион сўм трансферт ўтказилган.

Кун тартибидаги масала депутатлар томонидан қизгин муҳокама қилиниб, эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда айрим хато ва камчиликлар борлигига эътибор қаратилди. Хусусан, таъкидланганидек, ҳисобот даврида вазирлик ва идоралар томонидан харажатлар режага нисбатан паст даражада ижро этилган. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан давлат хусусий шериклик асосида қурилган талабалар

турар жойлари учун ажратилган маблағлар 8,4 фоизга бажарилган. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан чўл, тоғли ва тоғолди ҳудудларда чўланиш ва қум кўчиши, тупроқнинг сув ва шамол эрозияси олдини олиш ҳамда экологик муҳитни яхшилаш мақсадида ҳимоя ўрмонларини (ихота) барпо этиш харажатлари 1,2 фоизга, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, муҳофаза этилаётган табиий ҳудудлар, чиқиндиларни утилизация қилиш жойларининг давлат кадастрларини юритиш харажатлари 15 фоизга адо этилган. Транспорт вазирлиги томонидан объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга ажратилган маблағларни ўзлаштириш 16 фоизга таъминланган, холос.

Депутатлар томонидан вазирлик-идоралар кейинги чоракларда давлат бюджети маблағларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиши, бюджет харажатлари натижадорлигини ошириши, давлат ва ривожлантириш дастурларидаги вазифаларга оид тизимли чораларни кўриши зарурлиги урғуланди. Кун тартибидаги масалага оид бир қатор долзарб саволларга мутасаддиларнинг жавоблари ҳам эшитилди.

Шундан сўнг сиёсий партиялар фракциялари вакиллари ўз муносабатларини билдириб, таклиф-тавсияларни илгари сурдилар. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари қўра, бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда молиявий интизомга риоя этилиши юзасидан назоратни янада кучайтириш керак. Бюджет ресурсларининг ўз вақтида ажратилиши орқали ишбилармонлар, фермерлар, кластерларни қўллаб-қувватлаш, қонунчиликда белгиланган субсидиялар ажратилишини алоҳида назоратга олиш даркор. ЎЗМТДП фракцияси аъзолари таклифига биноан давлат бюджети ижроси билан боғлиқ камчиликларни келгусида бартараф қилиш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва шахсий жавобгарликни кучайтириш лозим. "Адолат" СДП фракцияси депутатларининг фикрича, бозор механизмлари асосида ишлайдиган соҳаларга ажратилаётган субсидиялар миқдори йил сайин камайиб бориши, ушбу соҳалар харажатлари бюджет субсидиясига боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланиши мақсадга мувофиқ. ЎЗХДП фракцияси вакиллари қайд этганидек, давлат бюджети ижроси устидан амалдаги молиявий назорат тизимини такомиллаштириш, жойларда давлат бюджетидида белгиланган вазифаларни тегишли мутассади ташкилотлар томонидан ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, бунинг учун маҳаллий кенгашлар йиғилишларида тизимли ва самарали муҳокама қилиб бориш керак. Давлат дастурлари асосида ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва моддий техника харидлари учун ажратилаётган маблағларни ўз вақтида молиялаштирилишига, тегишли вазирлик-идоралар томонидан тендер савдоларини белгиланган муддатлардан кечиктирмаган ҳолда ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш муҳим. Ўзбекистон Экологик партияси фракция аъзолари томонидан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича муайян ишлар олиб борилганини таъкидлаб, ажратилган маблағлардан ўз вақтида тўлиқ фойдаланмаганлик ёки самарасиз фойдаланганлик ҳолатларини бартараф этиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Ойдин ЛАТИПОВА.

# BIZNES DAILY BIRJA

#45 (3136) 06.06.2024

WWW.BUSINESSDAILY.UZ

- Биржа савдолари натижалари
- Биржа бюллетенлари
- Котировкалар, листинглар

- Танлов ва тендерлар
- Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг муҳим фактлари
- Банкротлик

## Кредиторлар диққатига!

Янгиқўрғон туманлараро иқтисодий судининг 27.06.2023 йилдаги ҳал қилув қарорига асосан “**Toshnam agro logistic**” МСНЖ (СТИР 307243863) корхонаси тўловга қобилиятсизликнинг умумбелгиланган тамойилида тўловга қобилиятсиз деб топилган ва тугатиш жараёни бошланган. У Аббасов тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

Қарздорнинг мол-мулклари, жумладан олча пюреси 30,8 фоиз нархи 40108 сўм, анор концентрати нархи 40436 сўм, лимон пюреси 7,0 фоиз нархи 20110 сўм, қулупнай пюреси 8,7 фоиз нархи 25001 сўм, томат пастаси 18,0 фоиз нархи 25422 сўмдан “Наманган баҳолаш консалтинг маркази” МЧЖ томонидан баҳоланган. Ушбу мол-мулкларни тугатиш бошқарувчиси томонидан жамиятдаги мол-мулклар тайёр ярим маҳсулот бўлганлиги ҳамда тез истеъмолга яроқсиз ҳолатга келиб қолиши мумкинлиги сабабли, маҳсулотлар узок вақт сақлаб туришни имконияти бўлмаганлиги учун “Тўловга қобилиятсиз”лик тўғрисидаги қонуннинг 126-127-151-моддаларига асосан кредиторлар йиғилишининг розилиги билан қарздорнинг арзонбаҳо ҳамда тайёр маҳсулот қолдиқлари электрон онлайн аукцион шаклдаги кимовиди савдоси ўтказмаган ҳолда олди-сотди асосида тўғридан-тўғри сотишга ҳақлилиги кўрсатиб ўтилганлигини маълум қилади.

Мурожаат учун тел.: 91-185-32-05.

Чирчиқ туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 24 майдаги 4-1102-2401/2025-сонли ажримига асосан “**Beton Biznes Group**” МЧЖ (СТИР 305439327), 4-1102-2401/2097-сонли ажримига асосан “**Abbos Ibrat**” ФХ (СТИР 300936535) корхоналарига нисбатан тўловга қобилиятсизликнинг қузатув таомили жорий этилган.

Кредиторларнинг биринчи умумий йиғилиши 20.06.2024 йил соат 15.00 да Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Уртаовул ҚФЙ, “Обод турмуш маҳалласи, 172-хонадониди бўлиб ўтади. Мурожаат учун: 94-823-01-59.

Бекобод туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 19 мартдаги 4-1106-2401/206-сонли иш юзасидан қабул қилган ажрими билан тўловга қобилиятсизлик иши қўзғатилиб қузатув таомили қўлланилган Бекобод туманидаги “**APK Bekobod**” масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 2024 йил 3 июндаги йиғилиш қарорига асосан қарздорда такрорий биринчи йиғилиши 2024 йил 17 июнь кун соат 11.00 да Бекобод тумани, Маданият ҚФЙ, Парчаюз маҳалласидаги қарздорнинг маъмурий биносиди бўлиб ўтиши белгиланди.

### Йиғилиш кун тартиби:

- Муваққат бошқарувчининг оралик ҳисоботи.
- Кредиторлар талаблари реестрининг юритилиши тўғрисида.
- Муваққат бошқарувчига ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш.
- Қарздор томонидан тақдим этилган суд санация режасини тасдиқлаш ва қарзни тўлаш жадвали билан келишиш.
- Бошқа масалалар.

Кредиторларни қайд этиш, йиғилиш бошланишидан 30 дақиқа олдин бошланиб, йиғилиш бошланишидан 5 дақиқа олдин тўхтатилади.

Йиғилишга кредиторлар ва унинг вакилларига шахсни ҳамда қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек йиғилиш иштирокчиси ваколатларини тасдиқловчи ишончномалар билан келиш сўралади. Қузатув жараёнида йиғилган материаллар ҳамда кредиторлар рўйхати билан йиғилиши давомиди таништирилади.

Қуйичирчиқ туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 27 апрелдаги 4-1103-2301/110-сонли ҳал қилув қарорига асосан Чиноз туманидаги “**Agro house organik**” МЧЖ (СТИР 303009879) банкрот деб эътироф этилиб, тугатишга доир иш очилган. Тугатиш (суд) бошқарувчиси этиб Адхамжанов Одилжон Адхамжанович тайинланган.

“Agro house organik” МЧЖнинг мол-мулкларини баҳолаш ҳамда далолатнома ҳисоботини келгусида экспертизадан ўтказиш бўйича танлов эълон қилинади.

Махсус баҳоловчи ташкилотлардан тушган тижорат таклифлари эълон чиққан кундан эътиборан 10 кун (Ўн) муддат ичида қабул қилинади.

Танлов ҳужжатлари билан танишиш учун тугатиш (суд) бошқарувчисининг почта манзили: индекс 100069, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 270-уй.

Мурожаат учун телефон: +99893 504-33-60, +99890 004-33-60.

## “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида ХАБАРНОМА

2024 йил 27 июнь кун соат 15.00 дан бошлаб “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Акциядорлар 2024 йил 27 июнь кун соат 14.00 дан 15.00 гача рўйхатга олинади.

Банк жойлашган манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-а уй.

### Умумий йиғилиш кун тартиби:

- Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
- Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
- “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Қузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти якуни бўйича ҳисоботи.
- “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБнинг 2023 йилдаги фаолияти натижалари, шу жумладан, бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича банк Бошқарувининг ҳисоботи ва 2024 йилга белгиланган устувор вазибалар.
- Банкнинг 2023 йил 31 декабрь ҳолатига бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
- Банкнинг 2023 йил фаолияти якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
- Банкнинг 2024 йил учун банк фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш мақсадида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш.
- Банкнинг 2024-2026 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш.

Акциядорларнинг Умумий йиғилишига шахсини тасдиқловчи ҳужжат, вакиллари эса белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорларнинг Умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2024 йил 21 июнь ҳолатига кўра тузилади.

“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Қузатув кенгашининг 2024 йил 5 июндаги қарорига асосан:

- Умумий йиғилиш ўтказиш тўғрисида банк акциядорларини хабардор қилиш учун реестрни шакллантириш санаси: 2024 йил 5 июнь.
- Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси: 2024 йил 21 июнь.

Мурожаат учун телефон: (78) 150-76-65.

Банк Қузатув кенгаши.

## “ToshuyjoyLITI” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида ХАБАРНОМА

### Ҳурматли акциядорлар!

“ToshuyjoyLITI” акциядорлик жамияти Қузатув кенгашининг 2024 йил 5 июндаги қарорига асосан жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2024 йил 27 июнь кун соат 15.00 да Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Боғ-сарой кўчаси, 43, Жамиятнинг бош офиси биносидида мажлислар залида ўтказилишини маълум қиламиз.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 14.00 дан бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 15.00 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри 2024 йил 21 июнь ҳолатига тузилади.

### Йиғилиш кун тартиби:

- Саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш.
- Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
- Жамият Қузатув кенгашининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
- Жамият фаолиятининг 2023 йил якунлари бўйича мустақил аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини тасдиқлаш.
- Жамиятда 2023 йил якуни бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини тасдиқлаш.
- Жамият фаолиятининг 2023 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш.
- Жамият томонидан 2023 йилда олинган соф фойда(зарар)ни тақсимлаш, акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартибини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2024 йил учун мўлжалланган Бизнес-режасини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувидан ўтказиш, аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.
- Жамият Бош директорини тайинлаш ва меҳнат шартномасини тузиш.
- “ToshuyjoyLITI” АЖнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.
- “ToshuyjoyLITI” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “ToshuyjoyLITI” АЖнинг қузатув кенгаши тўғрисида”ги, “ToshuyjoyLITI” АЖнинг саноқ комиссияси тўғрисида”ги, “ToshuyjoyLITI” АЖнинг манфаатлар тўғрисида”ги ҳолатида амал қилиш тартиби тўғрисида”ги, “ToshuyjoyLITI” АЖнинг ахборот сиёсати тўғрисида”ги, “ToshuyjoyLITI” АЖнинг дивиденд сиёсати тўғрисида”ги, “ToshuyjoyLITI” АЖнинг ижроия орган тўғрисида”ги, “ToshuyjoyLITI” АЖнинг ички назорат тўғрисида”ги низомларини ҳамда “ToshuyjoyLITI” АЖ акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш тартиби ва “ToshuyjoyLITI” АЖда аффилиланган шахсларнинг ҳисобини юритиш ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тартибини тасдиқлаш.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Боғ-сарой кўчаси, 43, бўйича жойлашган “ToshuyjoyLITI” АЖнинг биносидида ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10.00 дан 17.00 гача танишишлари мумкин.

Электрон почта манзили: tashjilproekt@list.ru. Телефон: (71) 254-54-11.

Қузатув кенгаши.

## “Agro finans lizing” АЖ акциядорлари диққатига!

“Agro Finans Lizing” АЖ Сизга маълум қиладики, акциядорларнинг 2023 йил якуни бўйича навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2024 йил 27 июнь кун соат 11.00 да жамият маъмурият биносидида бўлиб ўтади.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10.00 дан бошланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-мавзе, 74-уй. e-mail: info@agrofinanslizing.uz

### Йиғилиш кун тартиби:

- Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
- Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
- Жамият Қузатув кенгаши раисининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.
- Жамият Бошқарув раисининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.
- Жамиятнинг 2023 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан МЧЖ шаклидаги “Best audit services” аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2023 молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2022 йил тақсимланмаган фойдаси ва 2023 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш, акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартибини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан қундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш.

Йиғилишга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2024 йил 21 июнь ҳолатида шакллантирилган акциядорларнинг реестрига асосан тузилади.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишига қатнашиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакиллари эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорлар Умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан “Agro Finans Lizing” АЖда танишишлари мумкин.

Маълумот учун телефон: (78) 113-43-49.

Жамият Қузатув кенгаши.

Зомин туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 10 май ҳал қилув қарорига асосан Зомин туманидаги қуйидаги юридик шахс “**A new pasture**” mas’ uliyati cheklangan jamiyati (СТИР 310206195) 4-1303-2401/1529 тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб эътироф этилиб тугатишга доир иш очилган, тугатиш бошқарувчи этиб Каттабоев Шохрухбек Бахтиёрович тайинланган.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади. Мурожаат учун тел.: +99899-749-54-11. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 05.07.2024 йил соат 11.00 да Зомин туман ДСИ биносидида ўтказилади. Ушбу юридик шахсларга тегишли бўлган думалоқ муҳри ва бурчак штамплари эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида тугатиш бошқарувчига топширилмаган тақдирда йўқолган деб топилиб, бекор қилинган деб ҳисобланади.



Кумқўрғон туманлараро иқтисодий судининг 31.05.2024 йилдаги 4-1904-2402/4142-сонли ажримига асосан «**Surxon-farm-savdo**» МЧЖ (СТИР 302580623)га нисбатан тўловга қобилиятсизлик таомили сифатида кузатув жорий этилган ҳамда муваққат бошқарувчи этиб 3-тоифали суд бошқарувчиси Раҳмонқул Абдуғофур Рауфович тайинланган.

Шу муносабат билан мазкур жамият кредиторларининг биринчи йиғилиши 2024 йил 10 июль куни соат 11.00 да Кумқўрғон тумани, Нефтчилар маҳалласи, Навоий кўчаси, 8-уйда бўлиб ўтади.

#### Йиғилиш кун тартиби:

- Муваққат бошқарувчининг тўловга қобилиятсизликнинг кузатув тамойилида қилинган ишлари юзасидан берган ҳисоботи.
- Қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик таомилини қўллаш юзасидан иқтисодий судга мурожаат этиш тўғрисидаги овоз бериш бюллетени.
- Муваққат бошқарувчига хизмат вазифасини бажарганлик учун иш ҳақи миқдори ва тартибини белгилаш.
- Тўловга қобилиятсизликнинг кейинги таомилига суд бошқарувчиси номзодини белгилаш.
- Бошқа ҳар хил масалалар кредиторлар ва муассислар талабига қўра.

Ушбу жамият кредиторларининг талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Мурожаат учун тел.: 99-255-06-75, 98-001-06-75.

## «Самарқанд Дори-Дармон» акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Самарқанд Дори-Дармон» акциядорлик жамияти акциядорларнинг 2023 йил молия-ҳўжалик фаолияти яқунлари бўйича навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2024 йил 28 июнь куни (ҳафтанинг жума куни) соат 11.00 да жамият маъмурият биноси мажлислар залида ўтказилиши ҳақида маълум қилади.

Жамият акциядорларни рўйхатга олиш соат 10.00 дан бошланади.

Манзил: Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, «Димишқиболо» кишлоқ фуқаролар йиғини, Кимёгар МФЙ, Дўстлик массиви, Ертешар кўчаси, 1-уй.

E-mail: sam\_doridarmon@mail.uz;

#### Йиғилиш кун тартиби:

- «Самарқанд Дори-Дармон» АЖ санок комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш.
- «Самарқанд Дори-Дармон» акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг 2023 молиявий йил яқунлари бўйича ҳисоботи ва жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини тинглаш.
- «Самарқанд Дори-Дармон» акциядорлик жамияти бошқарув раисининг 2023 йил молия-ҳўжалик фаолияти яқуни ҳамда Бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши юзасидан (шу жумладан, жамиятнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида) жамият бошқарув органи ҳисоботини тасдиқлаш.
- «Самарқанд Дори-Дармон» акциядорлик жамиятининг 2023 йил молия-ҳўжалик фаолиятини ҳалқаро ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш натижалари юзасидан ташқи аудитор ҳулосаларини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2023 йил яқунлари бўйича корпоратив бошқарув тизimini мустақил баҳолаш бўйича берилган ҳулосани тасдиқлаш.
- «Самарқанд Дори-Дармон» акциядорлик жамиятининг 2023 молия-ҳўжалик фаолияти яқуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш.
- «Самарқанд Дори-Дармон» акциядорлик жамиятининг 2023 молия-ҳўжалик фаолияти яқуни бўйича олинган фойда ва зарарларни тасдиқлаш.
- «Самарқанд Дори-Дармон» акциядорлик жамиятининг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик ҳўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш.
- «Самарқанд Дори-Дармон» акциядорлик жамиятининг 2023 йилги молия-ҳўжалик фаолиятини ҳалқаро ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.
- «Самарқанд Дори-Дармон» АЖ жамият бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш.
- «Самарқанд Дори-Дармон» АЖ янги таҳриридаги уставини тасдиқлаш.

\* Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш учун 2024 йил 4 июнь ҳолатига ва умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун 2024 йил 24 июнь ҳолатига акциядорлар реестри шакллантирилади.

\* Жамият акциядорларига тақдим этиладиган ахборот (материал)лар билан жамият биносига танишиб чиқишлари мумкин.

\* Жамият акциядорларини рўйхатга олиш 2024 йил 28 июнь куни соат 10.00 дан 11.00 га қадар давом этади.

\* Йиғилишга акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан, вакиллар ишончнома билан келишлари сўралади.

Мурожаат учун телефон: 0 (366) 230-40-49, 0 (366) 240-06-40.

Жамиятнинг электрон почта манзили: samdoridarmon@mail.uz;

Ҳурматли акциядорлар, жамият акциядорлари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги ахборот ва бошқа маълумотларни жамият акциядорларига сифатли ва тезкор равишда етказилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ электрон почта орқали амалга оширилишини инобатга олиб, Сиздан электрон почта манзилингизни (Email) тақдим этишингиз лозимлигини маълум қиламиз.

**Жамият Кузатув кенгаши.**

## Вниманию инвесторов!

Сообщаем вам о начале процесса по привлечению инвесторов в бизнес-центр, расположенный в Каттақурганском районе Самаркандской области. Предприниматели, желающие инвестировать, могут получить дополнительную информацию по телефону +998 97 464-25-36.

## «Қўқон пахта тозалаш» акциядорлик жамиятини ихтиёрй тугатиш тўғрисида ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Темур Малик кўчаси, 83-уйда жойлашган (СТИР 200918267) «Қўқон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти акциядорлар умумий йиғилишининг 2024 йил 29 май кунги қарорига асосан ихтиёрй равишда тугатилиши тўғрисида маълум қиламиз.

«Қўқон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти кредиторлари талаблари ушбу эълон чоп этилган санадан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

**«Қўқон пахта тозалаш» АЖ Тугатиш комиссияси.**

## УВЕДОМЛЕНИЕ

Сообщаем вам, что общество с ограниченной ответственностью «**DEVHUB**» (ИНН 306554707), получившее лицензию платёжной организации от ЦБ №50 от 24.12.2022 г., преобразовано в акционерное общество «**DEVHUB**» в соответствии с постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-381 от 30.11.2023г. (изменение организационно-правовой формы). Акционерное общество «**DEVHUB**» становится правопреемником всех прав и обязательств ООО «**DEVHUB**».

## ХАБАРНОМА

Сизларга шунини маълум қиламизки, «**DEVHUB**» масъулияти чекланган жамияти (СТИР 306554707), 2022 йил 24 декабрь куни Марказий банкдан олган тўлов ташкилоти лицензияси №50 га қўра, «**DEVHUB**» акциядорлик жамиятига айланган. Бу ўзгариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 30 ноябрдаги ПП-381-қарорига мувофиқ амалга оширилди (ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгариши). «**DEVHUB**» акциядорлик жамияти «**DEVHUB**» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

## Уважаемые акционеры! АО «Chirchiq transformator zavodi»

расположенное по адресу: Республика Узбекистан, Ташкентская область, город Чирчик, площадь Электромашиностроителей, 1, извещает вас о том, что 28 июня 2024 года в 11.00 по вышеуказанному адресу в здании администрации состоится годовое общее собрание акционеров. Время регистрации участников собрания с 10.00 до 11.00 в день проведения собрания.

#### Повестка дня:

- Об утверждении количественного и персонального состава счетной комиссии;
- Об утверждении регламента проведения годового общего собрания акционеров общества;
- Об утверждении отчета исполнительного органа о выполнении годового бизнес-плана общества за 2023 год;
- Об утверждении годового отчета, бухгалтерского баланса, отчёта по прибылям и убыткам, заключения внешнего аудитора за 2023 год;
- Об утверждении отчета наблюдательного совета общества по соблюдению установленных законодательством требований по управлению обществом за 2023 год;
- Об утверждении порядка распределения прибыли, полученной в результате финансово-хозяйственной деятельности общества за 2023 год;
- Об утверждении годового бизнес-плана общества на 2024 год, стратегии развития общества на среднесрочный и долгосрочный период;
- Об избрании генерального директора сроком на один год до проведения годового общего собрания акционеров по итогам 2024 года;
- Об избрании членов наблюдательного совета сроком на три года;
- Об одобрении сделок с аффилированными лицами общества;
- Принятие решения об отборе аудиторской организации для проведения обязательной аудиторской проверки (НСБУ и МСФО), о предельном размере оплаты её услуг и заключении с ней договора;
- Об утверждении организационной структуры общества в новой редакции.
- О создании из средств нераспределённой прибыли временного резерва до погашения дебиторской задолженности в размере 98 млрд сум.
- О принятии решения об отнесении в распоряжение общества сумм по не востребовавшимся владельцами или их законными правопреемниками (наследниками) в установленные для истечения исковой давности сроки дивидендов за 2020 год.

Список акционеров, имеющих право на участие в очередном общем собрании акционеров, составлен согласно данным реестра, закрытого для оповещения о проведении общего собрания на 4 июня 2024 года, а на участие в данном общем собрании акционеров на 24 июня 2024 года.

С информацией, подлежащей представлению акционерам при подготовке к проведению общего собрания акционеров, вы можете ознакомиться на официальном сайте общества.

При себе иметь паспорт. В соответствии со ст. 67 Закона «Об акционерных обществах и защите прав акционеров» право на участие в общем собрании акционеров осуществляется акционером лично или через своего представителя.

Акционер вправе в любое время заменить своего представителя на общем собрании акционеров или лично принять участие в нем.

Представитель акционера на общем собрании акционеров действует на основании доверенности, составленной в письменной форме. Доверенность на голосование должна содержать сведения о представляемом и представителе (имя или наименование, место жительства или место нахождения, паспортные данные или данные идентификационной ID-карты). Доверенность на голосование от имени физического лица должна быть удостоверена нотариально. Доверенность на голосование от имени юридического лица выдается за подписью его руководителя и заверяется печатью этого юридического лица (при наличии печати).

**Наблюдательный совет АО «Chirchiq transformator zavodi».**

## ХАБАР

«Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» акциядорлик жамияти 2024 йил 27 июнь куни Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 107-б уй манзилида акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилишини эълон қилади. «Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» акциядорлик жамиятининг электрон почта манзили - info@uztmc.uz.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг бошланиш вақти – соат 15.00.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олиш вақти соат 14.45 дан 15.00 гача.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санаси – 2024 йил 4 июнь.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси – 2024 йил 21 июнь.

#### Йиғилиш кун тартиби:

- Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
- Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
- «ЎИҚМК» АЖ Ижроия органининг 2023 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи, жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
- «ЎИҚМК» АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил яқунлари бўйича ҳисоботини тинглаш.
- «РКФ МАК Alyans» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг «ЎИҚМК» АЖнинг 2023 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолияти натижалари бўйича МҲХС асосида тайёрланган ҳисоботи юзасидан ташқи аудит ҳулосасини тасдиқлаш.
- «ЎИҚМК» АЖнинг 2023 йил яқунлари бўйича «ЎИҚМК» АЖ фаолияти самардорлигининг муҳим кўрсаткичлари бажарилишини текшириш ва баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
- «ЎИҚМК» АЖнинг 2023 йилдаги корпоратив бошқарув тизimini баҳолаш ва корпоратив бошқарув Кодекси қоидалари тавсияларига риоя қилиш натижаларини кўриб чиқиш.
- Ҳисобот йилининг соф фойдасини тақсимлаш.
- Кузатув кенгаши аъзоси Олимжонов Санжар Одиловичнинг ваколатини муддатидан олдин тугатиш.
- Худайбергандов Илхом Незматуллаевични «ЎИҚМК» АЖ Кузатув кенгаши аъзоси этиб, уч йил муддатга сайлаш;
- «ЎИҚМК» АЖнинг 2024 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолияти натижалари бўйича МҲХС асосида тайёрланган ҳисоботи юзасидан мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш.
- «ЎИҚМК» АЖнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
- «ЎИҚМК» АЖнинг янги таҳриридаги Уставини тасдиқлаш.
- «ЎИҚМК» АЖнинг «Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низоми»ни янги таҳрирда тасдиқлаш.
- «ЎИҚМК» АЖнинг аффилиланган шахс билан жамият томонидан кундалик ҳўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш.

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун барча маълумот (материал)лар билан Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 107-б уй манзилида танишишлари мумкин. Боғланиш учун телефон - 78 148-30-00 (116) (Корпоратив маслаҳатчи - Буриева Л.Х.). Мурожаатлар душанбадан жумагача ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача (танаффус – 13.00 дан 14.00 гача) қабул қилинади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш учун акциядорлар вакилларининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қончилигига мувофиқ берилган ишончнома бўлиши шарт.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 58-моддасига асосан, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин.

**«Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши.**

## Инвесторлар диққатига!

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманида жойлашган, ишбилармонлик марказига инвесторлар жалб этилаётганини маълум қиламиз. Инвестиция қиритиш истагида бўлган тадбиркорлар қўшимча маълумотларни +99897-464-25-36 рақами орқали олишлари мумкин.

**Сообщение о проведении годового общего собрания акционеров страховой организации акционерного общества «Asko-Vostok»**  
**Уважаемые акционеры!**

Настоящим исполнительный орган общества сообщает о том, что 5 июня 2024 года Наблюдательным советом общества принято решение о созыве годового общего собрания акционеров АО «Asko-Vostok» по итогам деятельности общества в 2023 году, которое состоится 28 июня 2024 года.

Место проведения собрания: г.Ташкент, Яккасарайский район, ул.Муканна, тулик 1, д. 2, в административном здании СО АО «Asko-Vostok».

Начало регистрации акционеров в 10:00.

Начало годового общего собрания акционеров общества в 11:00.

Дата составления реестра акционеров общества для проведения годового общего собрания акционеров – 24 июня 2024 года.

**Повестка дня:**

1. Утверждение регламента годового общего собрания акционеров;
2. Утверждение количественного и персонального состава счетной комиссии и срока их полномочий.
3. Утверждение отчета Наблюдательного совета общества по итогам деятельности за 2023 год.
4. Утверждение аудиторских заключений по итогам финансово-хозяйственной деятельности общества за 2023 год.
5. Утверждение годового отчета общества за 2023 год.
6. Распределение чистой прибыли общества за 2023 год.
7. О реорганизации СО АО «Asko-Vostok» путем преобразования в общество с ограниченной ответственностью.
8. Утверждение порядка и условий осуществления преобразования общества.

Акционеры могут ознакомиться с материалами, подлежащими рассмотрению на годовом общем собрании акционеров:

- по вышеуказанному адресу здания;

- с 10:00 до 15:00 в рабочие дни со дня публикации уведомления до даты проведения общего собрания акционеров.

Адрес электронной почты общества для обращения акционеров: info@askovostok.uz.

При регистрации для участия в собрании, акционер должен иметь при себе паспорт или иной документ, его заменяющий (в соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан), а представитель акционера, кроме того, должен предоставить надлежаще оформленную доверенность.

**Наблюдательный совет.**

**Уважаемые акционеры АО «Simurg»!**

Акционерное общество «Simurg», расположенное по адресу: 100007, г.Ташкент, Яшнабадский р-н, ул. Паркентская, 7-й туп., дом 2, e-mail: buh@simurg.uz, веб-сайт – www.aosimurg.uz, сообщает о проведении годового общего собрания акционеров, которое состоится 28 июня 2024 года по адресу: г.Ташкент, Яшнабадский р-н, ул. Паркентская, 7 туп., дом 2 – административное здание АО «SIMURG». Начало собрания в 12:00 часов, регистрация акционеров будет проводиться с 11:30 до 12:00.

**Повестка дня:**

1. Утверждение отчёта о деятельности работы Наблюдательного совета по управлению АО «Simurg» и принятых решений в 2023-2024 годах.
2. Утверждение годового отчёта АО «Simurg», в том числе заключений независимого аудитора (ООО «Audit-Kapop») по финансовой отчётности за 2023 год.
3. Утверждение отчёта директора о принимаемых мерах по достижению стратегии развития АО «Simurg» за 2023 год.
4. Распределение убытков АО «Simurg» по итогам 2023 года.
5. Принятие решения об определении аудиторской организации для проведения обязательной аудиторской проверки финансовой отчётности (НСБУ и МСФО) по МСА АО «Simurg» за 2024 год, о предельном размере оплаты её услуг и заключении с ней договора.
6. Принятие решения о продлении трудового договора о найме с директором АО «Simurg».
7. Одобрение сделок с аффилированными лицами, которые могут быть совершены в будущем в процессе осуществления АО «Simurg» его текущей хозяйственной деятельности на период до следующего годового общего собрания акционеров.

